Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

2002 йил 6 февраль чоршанба

Сотувда эркин нархда
№ 27 (2855)

## ИТАЛИЯЛИК ИШБИЛАРМОНЛАР ТАШРИФИ

Италиялик ишбилармонлар Навоий вилоятида фаолият юритаётган тадбиркорлар, хусусий фирма, акциядорлик жамияти ва савдо корхоналари, масъулияти чекланган жамиятлар ҳамда консерва заводлари раҳбарлари билан учрашди.

Унда Италиянинг "Техиндустрия" компанияси вакили Массимо Монфреди, "Техно-айс" компанияси вакили Л.Феррарини, "ITF" компанияси бош менежери Е.Паволоцкая, шу компания иқтисодий ишлар бўйича директори А.Гугина ва бошқалар сўзга чиқиб, ўз компанияларида ишлаб чиқарилаётган озиқ-овқат саноати технологиялари, уларнинг ишлаш жараёни ҳақида гапириб берди.

Ўз навбатида навоийлик тадбиркорлар Италия технологиясига қизиқиш ортаётгани, жумладан, мева-сабзавотлар, гўштни қайта ишлаш, музқаймоқ ишлаб чиқариш кичик корхоналарига эҳтиёж катталиги, уни сотиб олишга тайёр эканликларини билдирди.

Хорижлик ишбилармонлар Навоий кон-металлургия комбинатининг "Дўстлик" агрофирмасида, Навоий шаҳар гўшт комбинати, Қизилтепа туманидаги Қосим Қобилов номли ширкат хўжалиги консерва заводида ҳамда "Қўйимозор" ширкат хўжалиги узумни қайта ишлаш цехларида олиб борилаётган ишлар билан танишди. Ўзаро ҳамкорлик борасида бир қанча битимлар имзоланди.

**Ёрқул УМАР,**
**ЎзА мухбири.**



## Пудратчилар сардори

Кўнглининг қат-қатига тугиб қўйган эзгу ниятлари ушалган, зиммасидаги ишни қойилмақом этиб бажариб, қадрдон жамоаси ва эл-юрт олдида юзи ёруғ бўлган одамнинггина кайфияти аъло, руҳи тетик бўлади. Сезгандирсиз, сиз суратда кўриб турган Икромжон Турсунов — шу тоифадаги кишилардан бири. У Балиқчи туманидаги Алишер Навоий номли ширкат хўжалигининг бош пудратчисидир. Пудратчилар эса ҳар йили пахта ва ғалладан мўл ҳосил етиштириб, нафақат ширкат хўжалигида, ҳатто туманда ҳам пешқадамлик қилмоқдалар. Жорий йилда улар пахта ҳосилдорлигини 32 центнерга, ғалла ҳосилдорлигини 50 центнерга етказишмоқчи. Шу мақсадда кузги-қишки юмушлар аллақачон уддаланиб, 78 гектар ер экин экишга ҳозирлаб қўйилди.

**Т. ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.**

## Чин сўзнинг салмоғи

Соҳибқирон бобомиз Амир Темурнинг «Куч — адолатда», деган ҳикмати, аввало, одилона сиёсат юритиш ҳақида айтилганлиги, шубҳасиз. Шу билан бирга асрлар оша бизгача етиб келган бу қанотли иборанинг мағзини чақар эканмиз, кўнглимизда турфа маънолар кашф этгандай бўламиз. Масалан, адолат, ҳақиқат, ростгўйлик ҳамиша ёлғондан, бўҳтондан устун келиши, ғолиб бўлиши муқаррар, деган мазмунни илғаймиз.

Матбуот саҳифаларида ҳам гоҳида ёлғон хабарларга кўзимиз тушса, унга нисбатан энг ишончли қурол — рост сўзни қарши қўйишга, шу билан енгишга ҳаракат қиламиз. Муҳтарам газетхон, ўзингиз гувоҳсиз, биргина Афғонистон ҳудудидаги талотўплар билан боғлиқ хабарларда Ўзбекистон ҳақида нималар дейишмади. Бу борада кимдир муайян кучлар манфаатини кўзласа, яна биров «ўта оҳорли янгилик»ни етказиш илинжида шов-шув кетидан қувди. Лекин ахборот жанги ҳар қанча кенг қамровли бўлмасин, биз барибир ростни ёлғондан ажратиб олишимиз керак.

*Шарҳловчи нигоҳи*

Бундан бир неча ой муқаддам Бельгияда чоп этиладиган «Ла Либр Белжик» газетаси минтақада рўй бераётган ҳақиқий аҳволни ўз кўзи билан кўрган мухбирининг таассуротларини эълон қилди. Мақолада шундай сатрлар бор: ***«Икки юз километр нарида — Афғонистон, унда куй ва қўшиқ, тасвирий санъат таъқиқланган, аёллар ҳам бошдан-оёқ паранжига ўраниб юриши шарт... Буюк Ипак йўлида жойлашган афсонавий Самарқандда эса ўзингни бўлак бир дунёда юргандек ҳис қиласан. Ҳиммат ва кўнгли очиқлик сени ўзига маҳлиё этади...»***

Қаранг, ҳудуди ёнма-ён, ҳаёт тарзи мутлақо тескари қутбда бўлган икки мамлакатдаги аҳвол ўзаро таққослаш орқали чин ифодасини топган. Ҳақиқатда ҳам, муқояса қилинганда бизда «бўлак бир дунё» мужассам. Афғонистоннинг нотинч заминида ҳатто қабрлар оёқости қилинган бир пайтда Ўзбекистон халқи Имом ал-Бухорий, Имом ал-Мотурудий, Ат-Термизий сингари боболари ётган табаррук қадамжоларни обод ва нурафшон этмадими?! Эгасиз, топталган тупроқда кўзи қонга тўла бангилар нафсини қондириш учун гиёҳванд экинлар ўстирилганда юртимиз омборлари донга тўлиб, пахтамиз ила жаҳонни кийдирмадикми?! Номсиз, мақсадсиз уруш сабаб беватан бўлган қочқинлар қисмат сўқмоқларида нажот излаб мунғайганида ўзбек диёри янги шинам уйлар, муҳташам иншоотлар билан безанмадими?! Ул юртда қадимий обидалар кўксига ваҳшийлик ханжари санчилганда, биз ўз етакчимиз бошчилигида «Авесто»нинг тўйини ўтказиб, янги боғлар бағрида яйраганимизни жаҳон аҳли кўриб турибди-ку.

Жафокаш афғон замини бошига не кунлар тушмади. Бу юртда уруш оловини ёққанларга ўқ-дори етказиб берганлар ҳам кейинчалик пушаймон бўлишгани бор гап-ку. Ўзбекистон эса ён қўшнисининг дардига дармон, ярасига малҳам бўлиш ниятида кўксини кўприк қилиб турибди. Наҳот кундай аён ҳақиқатни уқиб олиш шунчалар қийин бўлса?!

Ҳақиқатни, чин сўзни қуёшга менгзайдилар. Зулмат, жаҳолат, ёвузлик панжаларини ёзишга ҳар қанча ҳаракат қилмасин, барибир тонгнинг отиши, офтобнинг чиқиши муқаррар. Чин сўзнинг салмоғи ҳамиша тарозининг эзгулик палласини босаверсин.

**Шуҳрат ЖАББОРОВ.**

*Ўзбекистон тамғаси билан*

## Қиёси йўқ дастгоҳ

### Навоий машинасозлик заводининг бу маҳсулоти ҳамдўстлик давлатларида ягонадир

Истиқлолга қадар бу заводнинг бор-йўқлигини кўпчилик билмасди. Ҳатто навоийликларнинг ўзлари ҳам корхонада нима ишлаб чиқарилишидан бехабар эди. Бу ерга кириш нафақат оддий кишилар, балки журналистларга ҳам тақиқлаб қўйилганди. Чунки завод Москванинг алоҳида эътиборида турарди-да.

Эндиликда «Навоий машинасозлик заводи» ишлаб чиқариш бирлашмасида асосан Навоий кон-металлургия комбинати тизимидаги корхоналар учун ноёб ва нозик асбоб-ускуналар, турли хилдаги универсал дастгоҳлар, экскаватор ҳамда бульдозерларнинг эҳтиёт қисмлари тайёрланмоқда. Агар бу асбоб-ускуналар, жиҳозлар ва техникаларнинг Қизилқумдаги қимматбаҳо нодир металл конлари, қидирув экспедицияларида ишлатилишини ҳисобга олсак, корхонанинг мамлакатимиз саноатида тутган ўрни беқиёс эканлиги яққол намоён бўлади.

Айтиш кераккки, айни чоғда бу завод жамоаси Бекобод ва Олмалиқдаги турдош корхоналарнинг ҳам эҳтиёжини тўлиқ қондираяпти.

«НТ-250 И» токарлик дастгоҳлари, айниқса, корхонага катта шуҳрат келтирди. Бир пайтнинг ўзида ўнлаб жараёнларни бажара оладиган бундай улкан дастгоҳ ҳали ҳамдўстлик мамлакатларида яратилгани йўқ. Хорижликлар уни қизиқиш билан харид қилишаётганининг боиси шунда.

— Цехимизда тайёрланаётган қирқиш дастгоҳлари диаметри 5000 миллиметргача, оғирлиги эса 60 тоннагача бўлган металларга ишлов беришга ихтисослашган, — дейди директор ўринбосари Ринат Девликамов. — Тугмачали рақамлар орқали бошқариладиган ушбу ноёб қурилмадан 150 дона ишлаб чиқаришга эришдик. Илгари тайёрланган 20 та дастгоҳни қайта мослаштирдик. Улар кўплаб йирик корхоналарда жуда қўл келмоқда.

- **Ойига минг тонна металлга жило берилмоқда**
- **Янги универсал фрезерлик дастгоҳи**
- **Дизель двигателлари қайта таъмирланаётир**
- **Рўзғорбоп буюмлар ишлаб чиқариш ҳажми кўпаймоқда**

Заводда улкан машинанинг яратилиши жараёнини кузатаркансиз, мутахассислар, ихтирочилар ақл-заковатига қойил қоласиз. Бир томонда замонавий токарлик, фрезерлик дастгоҳлари учун ўнлаб турдаги жуда нозик қисмлар тайёрланаётган бўлса, иккинчи томонда улар пешма-пеш йиғилаяпти. Сал нарида синов жараёни давом этмоқда. Э. Қурбонов, В. Камишев, Б. Сулеев, Ф. Муяссаров, Т. Раҳимов, С. Волков сингари ишбилармонлар етти ўлчаб, бир кесишга одатланишган. Ҳовлида эса ялтираб турган улкан дастгоҳ ўз харидорини кутаяпти.

Металл қуюв цехи кейинги йилларда икки баробар кенгайди. 600 киши меҳнат қилаётган жамоа ойига минг тоннадан ортиқ металлга жило бераяпти. Ҳадемай улардан янги дастгоҳлар йиғилади.

— «НФ-630» русумли универсал фрезерлик дастгоҳининг янги намунасини ишлаб чиқариш арафасидамиз, — дейди завод директори Виктор Дайнеко, — Ихтиромиз Олмониянинг «Хев» ва Тошкентдаги «Мехатроника Тes» фирмалари ҳамкорлигида вужудга келди. Бугина эмас, кончилик техникасига дахлдор барча дизель двигителларини ҳам ўзимиз қайта таъмирлаяпмиз. Улар илгари Қирғизистоннинг Қораболта шаҳридаги корхонага юбориларди. Бунга барҳам берилгач, анчагина валюта тежалди. Бундан ташқари, яқин орада металлургия саноатининг барча турдаги техникалари заводимизда тузатилади. Дастгоҳларнинг биратўла ўнлаб жараёнларни уддалайдиган турлари вужудга келади. Бунинг учун барча имкониятлар етарли.

Завод тамғаси билан ишлаб чиқарилаётган бежирим халқ истеъмоли моллари ҳам савдо дўконларига юборилмоқда. «Десна» кир ювиш машиналари, турли темир идишлар, ҳар хил пластмасса буюмлар шулар сирасидан бўлиб, уларнинг кўпчилиги ҳозир ҳатто хорижда ҳам харидоргир. Яқинда эса яна бир ихчам, ҳар бир оилага керакли маҳсулот — «Свежита» деб номланган ошхона жиҳози сотувга чиқарилганди. У ҳам уй бекаларига манзур бўлди.

Дастгоҳсозлик — иқтисодиётимизнинг навқирон тармоғи. Дастгоҳ ишлаб чиқарувчилар, унинг ёрдамида яратилаётган буюмлар, таъмирлаш асбоб-ускуналари ҳақида кўп гапириш мумкин. Гапнинг лўндаси эса шу: Навоийда йирик дастгоҳсозлик маркази вужудга келди. Марказ эса тармоқларнинг ривожига муносиб ҳисса қўшмоқда.

**Абдуваҳоб ПИРМАТОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## ДАРСЛИКЛАР ЯНАДА КЎПАЙСИН

***Вазирлар Маҳкамасида Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириш бўйича республика комиссиясининг Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раисининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг ижтимоий масалалар бўйича ўринбосарлари иштирокида кенгайтирилган мажлиси бўлиб ўтди.***

Мажлисда мамлакатимиз таълим муассасаларини дарслик ва ўқув қўлланмалари билан таъминлаш, янги дарсликларни яратишнинг меъёрий-ҳуқуқий асосларини ишлаб чиқиш, муаллифларни моддий ва маънавий рағбатлантириш, нашриётларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлашда муайян ижобий натижаларга эришилгани таъкидланди. Амалга оширилган ишлар натижасида умумий ўрта таълим тизимини 87,7 фоиз, олий таълим муассасаларини эса 94 фоизгача дарсликлар билан таъминлашга эришилди. Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизими бўйича дарсликлар нашр этишнинг 2001 йилга мўлжалланган режаси тўла бажарилди. Давлат матбуот қўмитаси томонидан умумтаълим мактаблари учун 2000 йилга нисбатан 7 миллион нусха кўп, яъни 24,5 миллион нусхада дарсликлар чоп этилди.

Шу билан бирга, мазкур масала бўйича камчилик ва муаммолар ҳам мавжудлиги қайд этилди. Жумладан, республика таълим муассасалари кутубхона фондини талаб ва меъёрлар даражасида дарслик ва ўқув қўлланмалари билан таъминлаш ишлари етарлича эмас. Таълим муассасалари ўқув жараёнини янги информацион технологиялар, «Интернет» тизими, дарсликлар ва ўқув қўлланмалари билан таъминлашнинг электрон воситалари ва усуллари (компьютерлардан фойдаланиш, электрон дарслик ва электрон кутубхоналарни яратиш) суст жорий этилмоқда. Етук ва тажрибали илмий-педагогик кадрларни дарсликлар яратишга жалб этишга етарлича эътибор берилмаяпти. Муаллифларни рағбатлантириш ва уларга зарур шарт-шароит яратишнинг қўшимча имкониятларидан унумли фойдаланилмаётир. Дарсликларни бевосита жойларга етказиш ҳамда уларни сотиш тизими тўла шаклланмаган.

Шунингдек, «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар», «Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганиш» фанлари бўйича яратилган дарслик ва қўлланмаларнинг узлуксиз таълим тизимига жорий этилиши ҳамда Осиё тараққиёт банкининг «Дарслик ва ўқув адабиётларини нашр этиш тизимини такомиллаштириш» бўйича ҳамкорлик лойиҳаси доирасида амалга оширилаётган ишлар ҳам муҳокама қилинди.

Мажлисда дарслик ва ўқув адабиётлари яратиш ва нашр этиш, улар билан барча таълим муассасалари ва ўқувчи-талабаларни таъминлашдек масъулиятли вазифани бажаришда йўл қўйилаётган камчилик ва муаммоларни бартараф этиш юзасидан мутасадди вазирлик ва ташкилотлар раҳбарларига аниқ топшириқлар берилди.

**(ЎзА).**




## Қонун талаблари — фаолият мезони

Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳузуридаги реклама бўйича идоралараро кенгашнинг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Уни ушбу кенгаш раиси А. Баҳромов олиб борди.

Мажлисда Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Стандартлаш, метереология ва сертификатлаш давлат маркази, «Тасвирий ойина» уюшмасида Ўзбекистон Республикасининг «Реклама тўғрисида»ги Қонуни талаблари қандай бажарилаётганлиги масаласи муҳокама қилинди.

Таъкидландики, жойларда бу борада бирмунча ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Шу билан бирга текширувлар Қонуннинг айрим талаблари қўпол равишда бузилаётганини кўрсатмоқда. Масалан, тамаки маҳсулотлари рекламасини эса болалар муассасалари атрофига ўрнатиш ҳоллари ҳам учраб турибди.

Умуман, 127 ҳолатда камчиликларга йўл қўйилгани аниқланди. Натижада айбдор шахслардан жами 9484 минг сўм жарима ундириб олинди.

Мажлисда, шунингдек, кенгашнинг 2002 йилга мўлжалланган иш режаси ҳам тасдиқланди.

**М. НОСИРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Мамлакатимизда



Тошкент пиёласи

***• Булоқбоши туманидаги Жўрақул Ғоипов номли ширкат хўжалиги ижара пудратига ўтганидан буён хўжалик иқтисодиёти юксалиб, аҳоли турмуш фаровонлиги йилдан-йилга ўсмоқда. Оилавий пудратчиларнинг фидокорона меҳнати туфайли 2000 йилда пахтадан 33 центнер, ғалладан 40 центнер ҳосил олинган бўлса, 2001 йили пахтадан 42, ғалладан 48 центнер ҳосил олинди. Даромад ҳам шунга яраша. Шу боис хўжаликда тўй қиладиганлар ҳам, уй кўтараман деганлар ҳам кўпайишиб қолди.***

***• Алишер Навоийни билмаган, унинг ғазалларидан ҳеч бўлмаса тўрт сатрини ёд олмаган киши бўлмаса керак. Бу улуғ шоирнинг таваллуд топган куни арафасида янада яққолроқ сезилмоқда. Ўқув даргоҳлари, меҳнат жамоаларида (жумладан, Сайидо Насафий номли Қашқадарё вилоят кутубхонасида) навоийхонликка бағишланган тадбирлар бўлиб ўтаяпти. Навоий ғазаллари ва унинг шеърлари билан айтиладиган қўшиқлар янграмоқда. Тадбирлар вилоят маънавият ва маърифат Кенгашининг шоир туғилган кун олдидан тузган режаси асосида олиб борилаётир.***

***• Жиззах туманидаги бир гуруҳ қариялар ташаббус билан чиқишди. «Жиззах-Пахтакор» йўлининг чап тарафидаги ташландиқ 5,5 гектар ерда «Нуронийлар» боғига асос солинди. Айни пайтда майдон тўлиқ шудгорланиб, мевали дарахтлар ўтказишга тайёргарлик кўрилмоқда.***

***• Шарқона якка кураш — каратэ қисқа фурсат ичида юртимиздаги энг оммавий спорт турларидан бирига айланиб улгурди. Бугун ҳатто беш ёшли болакайлар ҳам татамига чиқишмоқда. Ота-оналарнинг фарзандлари иштирок этадиган баҳсларга қизиқиши ундан-да завқли. Ана шундай мухлислар учун эслатиб ўтамиз: жорий йилнинг 1-3 март кунлари каратэ бўйича 1984-94 йилларда туғилган ўсмирлар ўртасида мамлакат биринчилиги ўтказилади. Татамилар сизга мунтазир, белбоғли ёшлар!***

*«Халқ сўзи» • «Туркистон-пресс» • «Интернет» •*

## Чет элларда

***• БМТ томонидан Афғонистонда амалга оширилаётган Жаҳон озиқ-овқат дастури раҳбарияти мамлакат ҳудудига бир нечта вертолётни жойлаштиришни режалаштирмоқда. Улардан Афғонистоннинг тоғли ҳудудларига озиқ-овқат ва бошқа зарур товарларни етказиб беришда фойдаланилади.***

***• Россия Фавқулодда вазиятлар вазирлигига тегишли «Ил-76» самолёти Афғонистонга 11 тонна дори-дармон олиб келди. Вазирлик вакилларининг айтишича, ўтган уч ой мобайнида 40 тоннадан зиёд дори-дармон келтирилган. Бу жараён давом эттирилмоқда.***

***• Афғонистон Муваққат ҳукумати раҳбари Ҳамид Карзай яқин кунлар ичида Москвага ташриф буюради. Бу маълумотни афғон раҳбарияти билан бўлган музокаралардан сўнг Россия ташқи ишлар вазири Игорь Иванов маълум қилган. Унинг айтишича, ташриф март ойининг бошларига режалаштирилмоқда.***

***• Халқаро валюта фонди (ХВФ) ўтган йили Туркияда юз берган иқтисодий инқирозни бартараф этиш мақсадида мазкур давлатга 16 миллиард АҚШ доллари миқдорида сармоя ажратишини маълум қилди. Хабарларга қараганда, шу кунга қадар ХВФнинг Туркияга ажратган жами сармояси 31 миллиард долларни ташкил этади.***

***• АҚШ президенти Жорж Буш ва Буюк Британия Бош вазири Тони Блэр номзоди Нобель мукофотига тавсия қилинган. Норвегия парламенти аъзоси Харальд Том Несвик ана шу ҳақда маълум қилган. Унинг айтишича, икки раҳбар номзоди ҳам 11 сентябрь воқеаларидан кейин халқаро терроризм билан курашиш борасидаги саъй-ҳаракатлари учун кўрсатилган.***



Миср эҳромлари

### Таваллудининг 561 йиллиги олдидан

**Улуғ шоир ва мутафаккир Алишер Навоийнинг халқимиз тақдиридаги энг буюк хизмати она тилимизни ўз замонасидаёқ давлат, илм-фан, адабиёт ва санъат тили мартабасига кўтаргани, мукаммал адабий тилимизни асослаб берганидир. Тил миллат ва халқнинг бирламчи белгиси ва қадриятидир. Зотан, миллий маънавиятнинг жамики бойлиги, бисоти борки, тил хазинаси воситасида бунёдга келади.**

# Навоийни англаш – ўзликни англаш



Навоий саккиз девон, олти достон («Хазойин ул маоний» ва «Хамса» шуларнинг ичида) ва ўнлаб илмий-насрий асарлари орқали туркий тилнинг беҳисоб сўз бойлиги, маъно ифодалаш имкониятининг кенглигини, аввало, амалда исботлаган ва беназир катта илмий-адабий тажрибадан сўнг, умрининг охирроғи — 1499 йилда «Муҳокамат ул-луғатайн» асарини яратиб, туркий адабий тилни илмий-назарий равишда асослаб берганди.

Алишер Навоий фахриясида ўз тарихий хизматининг моҳиятига алоҳида урғу берган эдики, биз ҳали унинг фаҳмига тўлиқ етганимизча йўқ.

*Турк назмида чу*
*мен тортиб алам,*
*Айладим ул*
*мамлакатни яккалам.*

Бу мутафаккирнинг кўп маъноли шоҳбайтларидандир. Унда қатлам-қатлам маънолар бор. Биринчи қарашда шоир айтмоқчики, мен туркий шеъриятда «алам», яъни ранж, меҳнат-машаққат, изтироб чекиб, туркий тилда сўзлайдиган миллат ва эллатлар яшайдиган мамлакат сарҳадларини «яккалам» қилдим. «Яккалам» сўзининг мағзи чақилса, фикр янада ойдинлашади. Бу қўшма сўз таркибидаги форсча «як» сўзи «бир» ва «бирлик» маъноларини англатади. Арабча «қалам» сўзи эса тўғри маънода «ёзув қуроли»ни билдирсада, бу ўринда рамзий равишда «тил» маъносида қўлланилган. «Қалам» ушбу кўчма маъносида ҳозирги адабий тилимизда ҳам кенг ишлатилади. Ўзига хос тили ва услуби бор ижодкорга нисбатан «қаламы бор» деган сифат ишлатилади. Сўзга чечан, тили бурро, услуби сайқалдор ижодкорга нисбатан эса «қалами ўткир» деган тавсиф берилади. Хуллас, «яккалам» ибораси «бир тиллилик», «ҳаммага тушунарли ягона тилга эга бўлиш», «тилдошлик», «ўзаро бир тилда муомала қилиш ва бир-бирини яхши тушуниш», «лисоний бирлик» маъноларини ифодалайди. Мазкур маънолар улкан ижтимоий моҳиятга эга. Бепоён майдонлардаги ўзаро яқин, қардош миллат ва элатларнинг, қавму уруғларнинг бир-бирини яхши тушунадиган, эркин муомала қиладиган тили — адабий тилдир. Чунки адабий тилдагина турли лаҳжа ва шеваларда сўзлашадиган қавмларнинг тилларидаги сўз бойлиги жамланади, ўзига хос хусусиятлари умумлаштирилади, грамматик хусусиятлари қоидалаштирилади. Демак, Алишер Навоийнинг фахрияси, ундаги «алам» ва «яккалам» иборалари мутафаккирнинг қай тарзда адабий тилни бунёд этганлигидан далолат бериб турибди. Навоий яратган адабий тилнинг аҳамияти шу қадар кенг эдики, у лисоний бирлик заминида миллий бирликка ҳам асос солган. Миллий тил миллий тафаккур тарзини шакллантирувчи асосий восита эканлигини ҳам эътироф этсак, адабий тил миллий мафкурага ҳам асос бўлади.

Фикримиз янада ишонарлироқ чиқиши учун, фахриядаги кўпмаънолиликнинг яна бир қатламини очишга ҳаракат қилиб кўрайлик. Арабча «алам» сўзи «байроқ» маъносини англатади. Ушбу маъно нуқтаи назаридан ёндашиб шарҳласак, фахриядан «мен туркий шеъриятда байроқ кўтариб, байроқдорлик қилиб, туркий тилда сўзлашадиган қавмларни ана шу ягона байроқ теварагида бирлаштирдим», деган мазмун юзага чиқади. Тил миллатнинг руҳидир. Миллий тилда фикр юритиш, фикрлаш миллий тафаккурни пайдо қилади. Миллий тафаккур миллий ғояларни майдонга келтиради. Миллий ғоялар тизими эса миллий мафкурани ташкил этади. Энди Президентимизнинг «Мафкура миллатни бирлаштирувчи байроқдир» деган таърифларини эслайлик. Бу таъриф моҳиятини Навоий фахрияси билан маънан қиёсласак, улуғ мутафаккир бизнинг бугунги миллий ғояларимиз ва миллий мафкурамизга нақадар яқинлигини ҳис этамиз. Ҳа, Алишер Навоийнинг халқимиз олдидаги беқиёс хизмати шундан иборатки, у ўз замонасидаёқ миллатни ягона байроқ — адабий тил байроғи атрофида бирлаштиришга муваффақ бўлган эди. Биз ушбу байроқни қадрлашимиз, унга муносиб бўлишимиз, уни қўлда маҳкам тутмоғимиз зарур.

Назаримизда, Юртбошимизнинг халқимизни «Навоийни тушуниш даражасига кўтариш» ҳақидаги даъватларидан мақсад халқнинг маънавий-мафкуравий савиясини улуғ мутафаккир маънавияти даражасига юксалтириш ҳамда унинг илғор қарашларини энг оддий фуқародан тортиб бутун жамиятга, давлат ва жамият бошқаруви тизимидаги фуқароларга ҳам сингдириш, ҳаётга кенг татбиқ этишдан иборатдир. Бу даъватнинг замирида Навоий тафаккури маҳсулларини бутун халқ оммасига сингдириш, таъбир жоиз бўлса, умумхалқ навоийшунослигини шакллантириш масаласи турибди.

Аммо эзгуликнинг кечи йўқ. Навоийни англаш — ўзликни англаш билан баробардир. Ўзликни англаш Навоийни англашдан бошланса, не ажаб.

Кези келганда Алишер Навоий ижодиётини умумхалқ миқёсида ўрганиш масаласида шуни қайд этиш лозимки, «Халқни Навоийни тушуниш даражасига кўтариш» ҳақидаги даъват жамият ҳаётида ўзининг ижобий акс-садосини берди. Навоий адабий меросини ўзлаштиришга муносабат бир қадар яхшиланди.

Бу борада Алишер Навоий таваллудининг 560 йиллиги нишонланган 2001 йил алоҳида босқич даражасида сермаҳсул бўлди. Бироқ Навоийни ўрганиш, асосан, унинг таваллуд кунини нишонлаш муносабати билан ўтказиладиган тадбирлар доирасида мавсумий, анъанавий бўлиб қолмоқда. Навоийхонликнинг ранг-баранг мазмун ва шаклларини излаб топиб, ҳаётга татбиқ этиш лозим. Навоий меросини ўзлаштириш бўйича ёшлар ва катта ёшдаги фуқаролар ўртасида шеърхонлик мусобақалари, тафаккур баҳслари, ижодий мунозаралар ўтказиш яхши натижа беради, деган фикрдамиз. Шоирнинг ўзи ёшлик даврида ўтмиш ва замондош ижодкорлар асарларидан эллик минг байтини ёд билганлигини айтади. Ҳозирги мактабни битирувчи ёшлар, талабалар, шоир ва ёзувчилар, кенг мухлислар доирасида эллик минг байт шеърни ёд биладиган кишилар топилармикин? Ўтган йили вилоятларда ўтказилган навоийхонлик давраларидан бирида шунинг гувоҳи бўлдикки, бир туман ҳокими маҳаллаларда Наврўз байрамини ташкилий равишда ўтказиш бўйича мусобақа уюштирилишини, ғолиб чиққан маҳалла жамоасига компьютердан тортиб «Нексия» машинасигача соврин берилишини эълон қилди. Бу маҳалла фуқароларини янги ижодий мусобақага руҳлантириб юборди.

Назаримизда, Навоий ижодиётини ўрганиш ва кенг оммалаштириш бўйича ҳам шундай мусобақалар ўтказиш ҳамда ғолиблардан юқоридагидек мукофотларни аямаслик кутилган натижаларни бериши шубҳасиз. Зотан, ҳозир маънавиятнинг асосий ва бош ҳомийси давлат бўлиб турган бир вазиятда халқнинг маънавий даражасини юксалтириш энг долзарб ва муҳим вазифадир. Шубҳасиз, Навоийга фидойилик ўзини оқлайди. Умумхалқ савиясини юксалтириш жамиятда ялпи янгиланиш, сифат ўзгаришини таъминлайди, миллий ўзликни англаш ҳамда тикланишни тезлаштиради. Ўзликни англашга киришайлик — Навоийни англаймиз. Навоийни англашга киришайлик — ўзликни англаймиз.

**Нусратулло ЖУМАХЎЖА,**
**филология фанлари доктори.**

### ҲИКМАТ

*Хотиринг топса ғубор дўстингдин асло ранжима,*
*Душманинг дуосидин аъло эрур дашноми дўст.*

**«ХАЛҚ СЎЗИ» «НАРОДНОЕ СЛОВО»**

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

**Бош муҳаррир:**
**Аббосхон УСМОНОВ**

**Таҳрир ҳайъати:**
**Э. БОЛИЕВ** (масъул котиб — «Халқ сўзи»),
**М. ЕГОРОВ** (масъул котиб — «Народное слово»),
**Ш. ЖАББОРОВ** (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»),
**С. ЗИНИН,**
**М. МИРАЛИМОВ,**
**С. МУҲИДДИНОВ,**
**Ш. РИЗАЕВ,**
**М. САФАРОВ,**
**Р. ФАРҲОДИЙ,**
**И. ХУДОЁРОВ,**
**И. ШОҒУЛОМОВ,**
**О. ҚАИПБЕРГЕНОВ** (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»),
**Ў. ҲОШИМОВ.**

**БЎЛИМЛАР:**
*Ижтимоий-сиёсий ҳаёт —* 133-57-34; 133-78-92
*Иқтисодиёт —* 136-36-65; 132-10-65
*Маънавият ва маърифат —* 136-35-60;
*Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар —* 136-29-89, 133-07-48;
*Фан, соғлиқни сақлаш, таълим ва туризм —* 132-12-08;
*Янгиликлар ва халқаро ҳаёт —* 132-11-15;
*Котибият —* 133-10-28;
*Эълонлар —* 136-09-25.

**Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00001-рақам билан рўйхатга олинган.**
Буюртма Г — 83,
34610 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ.
Офсет усулида босилган.
Қоғоз бичими А—2.

Газета таҳририят компьютер базасида терилди ҳамда операторлар **Ж. ТОҒАЕВ** ва **З. БОЛТАЕВ** томонидан саҳифаланди.

Навбатчи котиб — **А. ОРИПОВ.**
Навбатчи муҳаррир — **Н. ТОШЕВ.**
Навбатчи — **Б. ОСТОНАҚУЛОВ.**
Мусаҳҳиҳ — **О. АБДУАЗИМОВ.**

**МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.**

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.
[t] — тижорат материали.

**«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.**

*Босишга топшириш вақти — 21.00.*
*Топширилди — 21.00.*
1 2 3 4 5 6


# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ

NBU

*қимматли қоғозлар бозорида*
**“ЗАМОНАВИЙ МУЛКДОР”,**
*деб аталган янги банк маҳсулотини*
**ТАКЛИФ ЭТАДИ.**

**Энди қимматли қоғозларни харид қилиш ва сотиш учун Тошкент биржасига келиш шарт эмас. Битимни «Ўзмиллийбанк»нинг яшаш жойига энг яқин бўлган филиали ёки бўлимида тузиш ва битим сифатли ижро этилишига ишониш мумкин.**

*Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки бўлим ва филиалларида қимматли қоғозларни харид қилиш ва сотиш тўғрисидаги аризаларни қабул қилиш пунктлари*

| *Тошкент шаҳри бўйича* | *Вилоятлар бўйича* |
|---|---|
| 1. **Тошкент шаҳар бўлими,** Тошкент ш., Ғафур Ғулом кўчаси, 1-уй. Тел.: 144-35-34, 144-82-20, 144-35-52. | 15. **Андижон бўлими,** Андижон ш., Навоий кўчаси, 39-уй. Тел.: (37422) 4-38-40, 24-68-97, 25-17-85. |
| 2. **Бош операция бошқармаси,** Тошкент ш., Гоголь кўчаси, 95-уй. Тел.: 132-04-07, 133-68-07. | 16. **Бухоро бўлими,** 705018, Бухоро ш., Муҳаммад Иқбол кўчаси, 3-уй. Тел.: (36522) 3-70-98, 3-67-13, факс 3-69-73. |
| 3. **Академия бўлими,** Тошкент ш., Ф.Хўжаев кўчаси, 31-уй. Тел.: 162-07-66, 162-01-92, 162-45-24. | 17. **Жиззах бўлими,** 708000, Жиззах ш., Ш.Рашидов кўчаси, 39-уй. Тел.: (37222) 6-15-37, 6-56-83, факс 6-22-86. |
| 4. **Юнусобод филиали,** Тошкент ш., Юнусобод м-си, 11-даҳа, 32-уй. Тел.: 125-55-91, 125-06-76. | 18. **Қарши бўлими,** 730000, Қарши ш., Ўзбекистон кўчаси, 219-уй. Тел.: (37522) 4-49-21, 3-72-12, факс 3-04-16. |
| 5. **Ҳамза филиали,** Тошкент ш., Элбек кўчаси, 28-уй. Тел.: 96-02-18, 96-16-30, 96-36-35. | 19. **Навоий бўлими,** 706800, Навоий ш., Ибн Сино кўчаси, 14-уй. Тел.: (43622) 3-44-48, 3-54-47, факс 3-39-01. |
| 6. **Сирғали филиали** Тошкент ш., Сирғали м-си, 6-уй. Тел.: 51-68-66, 51-69-61, 51-96-66. | 20. **Наманган бўлими,** 716033, Наманган ш., Н.Намангоний кўчаси, 10-уй. Тел.: (36922) 6-50-30, 6-59-98, факс 6-11-18. |
| 7. **Яккасарой филиали,** Тошкент ш., Бобур кўчаси, 85-уй. Тел.: 152-11-65, 152-11-60, 152-11-58. | 21. **Самарқанд бўлими,** 703005, Самарқанд ш., Фирдавсий кўчаси, 7-уй. Тел.: (36623) 3-57-50, 33-55-95, факс 31-06-85. |
| 8. **Миробод филиали** Тошкент ш., Банокатий кўчаси, 165-уй. Тел.: 93-01-52, 93-17-80, 93-08-35. | 22. **Термиз бўлими,** 732000, Термиз ш., Ал-Термизий кўчаси, 7«а»-уй. Тел.: (37622) 2-83-10, 2-82-65, факс 2-83-71. |
| 9. **Собир Раҳимов филиали** Тошкент ш., Калонов кўчаси, 54-уй. Тел.: 29-94-14. | 23. **Гулистон бўлими,** Гулистон ш., А.Яссавий кўчаси, 48-уй. Тел.: 25-06-22. |
| 10. **Шайхонтоҳур филиали** Тошкент ш., «Эски жўва» бозори майдони. Тел.: 49-43-46, 49-49-96. | 24. **Урганч бўлими,** 740000, Урганч ш., П.Маҳмуд кўчаси, 150-уй. Тел.: (36222) 6-26-44, 4-22-49, факс 4-45-44. |
| 11. **Мирзо Улуғбек филиали** Тошкент ш., Пушкин кўчаси, 66-уй. Тел.: 68-19-17. | 25. **Фарғона бўлими,** 712003, Фарғона ш., Ал-Фарғоний кўчаси, 69-уй. Тел.: (37322) 4-40-36, 24-95-32, факс 4-92-04. |
| 12. **“Саёҳат” бўлими Чилонзор филиали** Тошкент ш., Халқлар дўстлиги кўчаси, 28-уй. Тел.: 79-77-36, 79-77-33. | 26. **Нукус бўлими,** 742000, Нукус ш., Гарезсизлик кўчаси, 52-уй. Тел.: (36122) 4-23-51, факс 2-94-51. |
| 13. **Акмал Икромов филиали** Тошкент ш., Фарҳод кўчаси, 54-уй. Тел.: 74-08-93. | 27. **Тошкент вилоят бўлими,** 700015, Тошкент ш., Тарас Шевченко кўчаси, 29-уй. Тел.: 133-72-14, 133-68-19, факс 133-72-13. |
| 14. **Бектемир филиали** Тошкент ш., Ҳ.Бойқаро кўчаси, 15-уй. Тел.: 195-07-14. | |

**Корхона ва фуқароларга янги хизмат турларини таклиф этади:**

- қимматли қоғозларни харид қилиш ва сотиш операцияларини эркин бажариш;
- қимматли қоғозларни харид қилиш ва сотишга доир маслаҳатлар;
- биржа ва биржадан ташқари бозорларда қимматли қоғозлар котировкалари тўғрисидаги ахборот.

**Миллий банк қуйидагиларни кафолатлайди:**

- битимларнинг ўз вақтида ва сифатли расмийлаштирилиши;
- ҳисоб-китобларнинг хавфсиз ва ўз вақтида бажарилиши.

***“Замонавий мулкдор” 2001 йил май ойида бўлиб ўтган Осиё ва Тинч океани минтақасининг йиллик банк конгрессида энг яхши новаторлик ва инновация маҳсулоти деб, эътироф этилди.***

Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки инвестиция бошқармаси, телефонлар: 137-59-42, 34-11-22.
e-mail: ibanking@central.nbu.com. www.nbu.com

5289/181


## САВОЛ БИЗДАН...

**VIII асрнинг 70 — 80-йилларида Мовароуннаҳрда бўлган қўзғолон раҳбари — Муқаннанинг асл исми ким?**

**136-35-60**

**Кечаги сонда берилган саволнинг жавоби:**
Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ўткир Ҳошимов.


**«АГРИХИМ» Қўшма корхонаси**

«ЎЗҚИШЛОҚМАШ-ХОЛДИНГ» ХОЛДИНГ КОМПАНИЯСИ БИЛАН ҲАМКОРЛИКДА ЎЗБЕКИСТОН БОЗОРИДА 3 ЙИЛ МОБАЙНИДА МУВАФФАҚИЯТЛИ ФАОЛИЯТ.

Агар сиз «Агрихим» Ўзбекистон—Италия қўшма корхонасида ишлаб чиқарилган

**ПУРКАГИЧЛАРДАН**

фойдалансангиз, дала, боғ, узумзор, иссиқхона ва далаҳовлида етиштирилган ҳосилни зараркунандалардан сақлаб қоласиз.

Бош офис манзили: 700007, Тошкент ш., С.Машҳадий кўчаси, 210-уй.
Телефонлар: (998712) 169-49-44, 169-49-33.
Факс: 169-49-44, 169-35-46.




**“Торсуна-Хосиятлик” ҚК**
**Италия асбоб-ускуналарида қуйидагиларни ишлаб чиқаришни бошлаганини эълон қилади:**

- *пиво, маъданли сув ва мева ичимликлари учун мўлжалланган рангли тасвирли КРОНЕНТИҚИНЛАР*
- *АЛЮМИНИЙ ҚАЛПОҚЧАЛАР “бурама”.*

Тел.: (99871) 173-83-43, 78-34-23, 137-06-66.
Факс (99871) 133-06-66. E-mail: torsuna@infonet.uz


Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси жамоаси ЎзР ФА касаба уюшмаси бирлашган қўмитаси раиси Жаҳонгир Ғуломовга укаси
**Жасур ҒУЛОМОВнинг**
вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти ректорати, жамоа ташкилотлари «Пахта технологияси ва механика» факультети декани ўринбосари Алишер Усмонқуловга онаси
**УЛМОН аянинг**
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент шаҳридаги «Истаравшан» корхонаси жамоаси Ўзбекистон Миллий университети доценти Бўстон Турсуновга волидаи муҳтарамаси
**ЛАТОФАТ аянинг**
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент кимё-технология институти жамоаси «Ишлаб чиқариш жараёнларини автоматлаштириш ва электротехника» кафедрасининг доценти А. К. Мусаевга падари бузруквори
**КАМОЛ отанинг**
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.